СТАРТОВИЛ ИЗ ЭЛИНТАКАЛАРИДА
КУТУБХОНАСИ
ЭЛИНШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

2006 ЙИЛ, 15 ИЮНЬ, ПАЙШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 114 (10.671) Баҳоси эркин нархда

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХУ ЦЗИНЬТАО БИЛАН УЧРАШУВИ

Шанхай, 14 июнь (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Президент Ислом Каримов Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳрига етиб келди.

Хитой Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммитига катта тайёргарлик кўргани яққол кўриниб турибди.

Кўчалар, майдону хиёбонлар ШҲТнинг эмблемаси, ташкилотга аъзо давлатларнинг байроқлари, қутлов сўзлари битилган шиорлар билан безатилган. 15 июнь куни бу ерда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити бўлиб ўтади. Шанхай Катта театрида ташкилотга аъзо мамлакатлар санъат усталарининг концерти ташкил қилинади. Унда Ўзбекистондан ҳам санъаткорлар иштирок этадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 14 июнь куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао билан учрашди. Мулоқот чоғида икки томонлама алоқалар жадал ривожланиб бораётгани, Ўзбекистон раҳбарининг Хитойга 2005 йилги давлат ташрифи асносида эришилган келишувлар, хусусан, Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисида имзоланган давлатлараро шартнома ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Хитойни ишончли дўст ва яқин ҳамкор давлат деб билишини, у билан муносабатларни қадрлашини, расмий Пекиннинг икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва ШҲТ фаолиятини янада такомиллаштириб, нуфузини ошириш борасидаги таклифларини юксак баҳолашини қайд этди.

Ху Цзиньтао Хитой Ўзбекистонга Марказий Осиёда муҳим ўрин тутувчи давлат сифатида қарашини таъкидлади. ХХР Раисининг сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро геосиёсатдаги стратегик аҳамияти, улкан иқтисодий салоҳияти, хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй- ҳаракат ва ташаббуслари Хитой томонининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқишини янада оширмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон ва Хитой муносабатларига; ШҲТни янада ривожлантиришга, томонларни қизиқтирган минтақавий ҳамда халқаро аҳамиятга молик масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Шу куни ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилотнинг бугун таъсис этилган Ишбилармонлар кенгаши вакиллари билан учрашди. Давлат раҳбарлари мазкур кенгашнинг ташкил этилишини маъқулладилар ва ишбилармонларни ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада фаоллаштиришга чақирдилар. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, инвестициявий дастурлар ва давлатлараро савдо-иқтисодий ҳамкорликка оид масалалардаги ҳуқуқий асосни ўзаро уйғунлаштирмасдан туриб, биз кўзлаган мақсадларимизга етишимиз мушкул, деб алоҳида таъкидлади.

Ислом КАРИМОВ:
«ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ САҚЛАШ, ХАЛҚЛАРИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ — ЭНГ МУҲИМ ВА УСТУВОР МАСАЛА»

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 14 ИЮНЬ КУНИ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ШАНХАЙ ШАҲРИГА ЖЎНАБ КЕТДИ. ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ САФАР ОЛДИДАН ҚУЙИДАГИ ФИКРЛАРНИ БАЁН ЭТДИ.

— Маълумки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бундан беш йил муқаддам айнан мана шу шаҳарда ташкил топган эди. Шу фактни инобатга оладиган бўлсак, мазкур учрашув, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос юбилей кенгашининг Шанхай шаҳрида ўтказилиши алоҳида рамзий маънога эга эканини тушуниш қийин эмас, албатта.

Бугунги кунда дунёда ва минтақада катта нуфуз ва салоҳиятга эга бир қатор давлатлар аъзо бўлган ушбу ташкилотнинг навбатдаги саммитига тайёргарлик жараёнининг ўзи жаҳон жамоатчилигининг қизиқиши ва эътиборини тортмоқда. Бу эса учрашув давомида халқаро аҳамиятга молик муҳим масалалар муҳокама этилишидан далолат беради, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Табиийки, бундай қизиқишнинг муайян сабаблари бор. Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тарихан қисқа бир муддатда нафақат шаклланиш ва тараққиёт жараёнини босиб ўтганини, балки бир ярим миллиарддан ортиқ аҳоли яшайдиган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, сиёсий, иқтисодий ва социал-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга ҳар томонлама қодир бўлган халқаро ташкилот сифатида ўзини намоён қилаётганини таъкидлаш лозим. Шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда бу ташкилотнинг сиёсий нуфузи тобора мустаҳкамланмоқда, унинг фаолиятида иштирок этиш истагини билдираётган мамлакатлар сони ортиб бормоқда.

Бу галги учрашувда ташкилотга аъзо бўлган Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси, Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон давлатларининг раҳбарлари билан биргаликда тўртта кузатувчи мамлакат - Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Мўғулистон вакиллари иштирок этиши кутилаётгани ҳам шуни кўрсатади, деди Ислом Каримов.

Олий даражадаги бу учрашувда 15 та ҳужжат имзоланиши кўзда тутилмоқда. Жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг беш йиллиги муносабати билан декларация, халқаро информацион хавфсизлик тўғрисида баёнот, ташкилотга аъзо давлатлар томонидан халқаро терроризмга қарши биргаликда ўтказиладиган тадбирларни ташкил этиш тартиби ҳақидаги битим, таълим соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида шартнома, Ишбилармонлик кенгашининг фаолияти, иқтисодий, молиявий ва банк тизимлари фаолияти ҳақидаги ҳужжатларнинг қабул қилиниши мўлжалланмоқда.

Айниқса, бўлиб ўтадиган учрашувда минтақамизда хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизга таҳдид соладиган ҳар қандай хавф-хатарларга йўл қўймаслик, иқтисодий ва молиявий, жумладан, инвестицион ҳамкорликни янада кенгайтириш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, ташкилотга аъзо давлатлар жойлашган минтақанинг бой сув- энергетика заҳираларидан, ер усти ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган масалаларни муҳокама қилиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу ташкилот иштирокчиси бўлган давлатларнинг иқтисодий тараққиётига бевосита таъсир кўрсатадиган соҳалар — коммуникация ва информация тармоқларини, темир йўл, автомобил йўлларини барпо этиш бўйича лойиҳаларни муҳокама қилиш, шунингдек, баъзи ташкилий- институционал масалалар ҳам кун тартибига киритилган. Айни пайтда ташкилотнинг Саноатчилар ва ишбилармонлар форуми, Банклараро бирлашма, Тараққиёт фонди каби тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш сингари масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинади.

Ўйлайманки, бу масалалар бўйича қабул қилинадиган қарорлар минтақамизда жойлашган барча давлатларни ижтимоий жиҳатдан янада ривожлантириш, мавжуд улкан салоҳият ва ресурслардан самарали фойдаланиш йўлида янги имкониятлар очиб беради.

Келгусида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг фаолияти самарадорлигини ошириш ҳақида гапирганда, мен қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур деб биламан, деб фикрини давом эттирди Президентимиз.

Биринчидан, бошқа барча ҳаётий масалаларнинг негизини белгилаб берадиган минтақамизда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, халқаро терроризм ва экстремизм, сепаратизм, наркотрафик каби замонавий таҳдидларга қарши кураш масаласи бундан буён ҳам ШҲТнинг ўта муҳим ва устувор вазифаси бўлиб қолиши лозим.

Бу мақсадга эришиш учун, авваламбор, мазкур ташкилотга аъзо бўлган барча давлатларнинг мавжуд хавф-хатарларни ягона принциплар асосида, бир кўз билан қараши ва баҳолаши талаб этилади.

Иккинчидан, мана шундай таҳдидларнинг олдини олишда минтақамизга, миллионлаб одамларнинг ҳаётига зарар етказиши мумкин бўлган ёвуз кучларнинг фаолиятини нафақат тўғри баҳолаш, балки уларга қарши бир ёқадан бош чиқариб биргаликда курашиш, ташкилотга аъзо бўлган ҳеч бир давлатда қўпорувчилик ҳаракатларига йўл қўймаслик, барча куч ва имкониятларни шу мақсадда бирлаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Энг муҳими, бундай террорчилик хуружлари, айтайлик, бир давлат ҳудудида содир этилганда, ШҲТга аъзо бошқа бир давлатнинг, бу офат бизни четлаб ўтади, биз фақат транзит мамлакатмиз ёки халифалик тузумини ўрнатиш даъвоси фақат Фарғона водийсига тегишли, деган мазмундаги сохта қарашлар билан ёндашуви мутлақо номақбул бўлиб, бундай позицияни умуман оқлаб ва қабул қилиб бўлмайди.

Ана шундай хавф-хатарларга қарши фақат биргаликда изчиллик ва қатъият билан кураш олиб борилган тақдирдагина бундай ҳамкорлик ижобий натижа бериши мумкин.

Учинчидан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган сиёсий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни очишда мазкур ташкилот ва унга аъзо бўлган давлатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳити мавжуд бўлгандагина қабул қилинадиган қарорларнинг самараси ва таъсирини амалда сезиш мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, халқимизнинг «Бирлашган —ўзар, бирлашмаган - тўзар», деган мақолида чуқур маъно бор, деб ўйлайман, деди давлатимиз раҳбари.

Тўртинчидан, маълумки, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўз сафида ҳудуди, аҳолиси ва иқтисодий салоҳияти жиҳатидан турлича мавқега эга бўлган давлатларни бирлаштиради. Албатта, ушбу давлатларнинг барчаси ҳам бу ташкилот доирасида ўз миллий манфаатларини кўзлаган ҳолда сиёсат олиб боришга интилади. Мана шундай нозик вазиятда ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлаш учун аввало нима керак, деган саволга, мен халқаро дипломатия тилида кенг қўлланадиган манфаатлар баланси, таъбир жоиз бўлса, манфаатлар мувозанати, деган мезонни доимо сақлаш, унга риоя қилиш ва бу масалани эътибор марказида тутиш керак, деб жавоб берган бўлардим.

Ишончим комилки, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити мамлакатларимиз ўртасидаги конструктивлик ва прагматизм каби асосий тамойилларга асосланган ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини чуқурлаштиришга хизмат қилади, хавфсизликни таъминлаш масалаларини ечиш, тинчлик ва барқарорликни сақлаш, халқларимизнинг фаровонлигини оширишда мустаҳкам пойдевор яратади.

ЎзА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА, НЕФТЬ ВА ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ, КИМЁ ВА ОҒИР САНОАТ ДАВЛАТ ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни илмий- техникавий жиҳатдан ва лойиҳалар билан таъминлашни мувофиқлаштиришни кучайтириш, республика иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган саноатнинг базавий тармоқлари корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш бўйича йирик инвестиция лойиҳаларини юқори даражада тайёрлаш ва уни сифатли амалга ошириш мақсадида:

1.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, шунингдек жалб этиладиган хорижий инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган иқтисодиётнинг базавий тармоқлари саноат объектларини қуриш, модернизациялаш ва реконструкция қилишнинг техник- иқтисодий асослари ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш вазифаси юклансин.

2.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузурида Ўзбекистон электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат давлат лойиҳа институти — «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» ташкил қилинсин.

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти зиммасига иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳалаш ишларини ўтказишда бош пудратчи функцияси юклансин.

3.Қуйидагилар «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

саноатнинг базавий тармоқларини таркибий ўзгартириш, электр энергетика, нефть ва газни қайта ишлаш, кимё ва оғир саноат йирик объектларини модернизациялаш ва техник реконструкция қилиш концепциясини ишлаб чиқиш;

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Савдо-саноат палатасида шаҳар фаоллари, тадбиркорлар иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда тадбиркорлик субъектларининг ноқонуний текширилишининг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

Қисқа сатрларда

●ЧИЛОНЗОР туман ҳокимлигида туман фаоллари, маҳаллалар хотин-қизлар комиссиялари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирокида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг тумандаги ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

●КЕЧА Тошкент шаҳар Фармонининг тумандаги ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

●КЕЧА Гематология ва қон қуйиш институтида ўтказилган тадбир Бутунжаҳон донорлар кунига бағишланди.

●КЕЧА Шайхонтоҳур туманидаги «Самарқанд дарвоза» маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида Республика Саломатлик институтининг Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Қон—ҳаёт манбаи» деб номланди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкент Болалар клиник шифохонасида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига 12,5 миллион АҚШ долларига тенг тиббий ускуналар ва дори-дармонлар топшириш маросими бўлиб ўтди. Ускуна ва дори-дармонлар мамлакатимиздаги «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси ҳамда «ХОУП лойиҳаси» ҳамкорлигида мамлакатимизга келтирилди.

● Кеча Миллий матбуот марказида Халқаро донорлар кунига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Брифингда Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти мутахассисларининг донорлик, қон ва унинг таркибий қисмлари борасидаги муаммо ва вазифалар хусусидаги маърузалари тингланди.

● Юртбошимизнинг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг жойлардаги ижроси кўплаб эҳтиёжманд оилаларга қувонч олиб кирмоқда. Жумладан, Сирдарё туманининг Халқобод маҳалласида 15 та кам таъминланган оилага соғин сигир берилди.

● Мамлакатимиз Мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан, шунингдек, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» давлат дастурининг мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, болалар спортини ривожлантириш борасида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида маҳалла ёшлари ўртасида турли мусобақа ва ўйинлар ташкил этилмоқда. Хусусан, Андижон вилоятининг Асака туманида ўтказилган «Футболимиз келажаги» анъанавий мусобақаларида тўққиз ёшдан ўн олти ёшгача бўлган 415 нафар ёш футболчи ўзаро куч синашди.

● М.Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон» драмаси асосида саҳналаштирилган спектакль премьераси бўлиб ўтди.

● Хатирчи туманидаги «Авохли» маҳалласида яшайдиган 10 га яқин фермер хўжалиги ҳомийлигида таъмирталаб бўлиб қолган маҳалла йўллари созланиб, ободонлаштирилди. Фуқаролар йиғинининг янги биноси ва гузар қуриб битказилиб, маҳалла янада чирой очди.

● Тошкентдаги Тасвирий санъат галереясида Россия маданияти кунларига бағишланган кўргазма очилди. Унда XIX-XX асрда Ўзбекистонда яшаб ижод қилган рус рассомларининг ўттизга яқин асарлари намойиш этилмоқда. Кўргазма Россиянинг юртимиздаги элчихонаси, «Рус хориж маркази» ҳамда Тасвирий санъат галереяси ҳамкорлигида ташкил этилди.

● Спортнинг эркин кураш тури бўйича Доғистонда ўтказилган халқаро турнирда қорақалпоғистонлик икки нафар полвон совринли ўринларни қўлга киритди.

ЖАҲОНДА

● Шу йил апрель ойида «Катта саккизлик», шунингдек Бразилия, Хитой, Ҳиндистон ва Жанубий Африка мамлакатларининг Фанлар академиялари президентлари учрашган эди. Ҳозирда ушбу учрашувнинг якунлари эълон қилинди. Унда айтилишича, академиялар раҳбарлари олимларни энергетика соҳасидаги тадқиқотларни биргаликда олиб боришга чақирган.

● Кечадан бошлаб Ироқ пойтахти Бағдод шаҳрида хавфсизлик чоралари янада кучайтирилди. Шаҳар кўчаларини назорат қилиш учун Ироқ ва АҚШнинг 40 минг нафардан ортиқ ҳарбийлари жалб этилди.

● Чеченистон парламенти депутатлари Республика бош вазири Рамзан Қодировнинг ушбу вазифада дастлабки юз кун ичида амалга оширган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини тинглаганларидан сўнг Қодировга «Беш плюс» баҳосини қўйдилар. Бир вақтнинг ўзида Грозний шаҳри марказида ёшлар фан клуби томонидан ташкил этилган Рамзан Қодировни қўллаб-қувватлаш юзасидан кўп минг кишилик акция бўлиб ўтмоқда.

● АҚШ саноқ палатаси чоп этган докладга кўра Венесуэладан нефтни харид қилишнинг тўхташи ҳолатида АҚШда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 23 миллиард долларга камаяди. Айтиш жоизки, Венесуэла президенти Уго Чавес АҚШнинг Яқин Шарқдаги тажовузкор ташқи сиёсати туфайли нефтни етказиб беришни тўхтатиш тўғрисида бир неча бор таъкидлаган.

● Россиянинг «Газпром» компанияси яқин кунлар ичида Комсомольск-Амурдан то Хабаровск ўлкасигача чўзилган газ қувурини «Дальтрансгаз» компаниясидан сотиб олмоқчи. «Газпром» бошқарувининг раис ўринбосари А.Ананенковнинг таъкидлашича, бу борада компаниялар ўртасида ўзаро келишув бўлиб ўтган.

● «Рейтер» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Индонезиядаги «Жамоа Исломия» ташкилоти раҳбари Абу Бакр Башир қамоқдан чиқарилган. У 2002 йилда Бали оролида юз берган ва 202 кишининг ўлимига сабаб бўлган террорчилик ҳаракатларига алоқадорликда айбланиб, 26 ойга озодликдан маҳрум этилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКА, НЕФТЬ ВА ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ, КИМЁ ВА ОҒИР САНОАТ ДАВЛАТ ЛОЙИҲА ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

инвестиция лойиҳаларининг техник иқтисодий асосларини аниқ ишлаб чиқиш учун субпудратчилар сифатида мамлакатимиз ва хорижий ихтисослаштирилган лойиҳа институтларини, шунингдек етакчи мутахассисларни танлов (тендер) асосида жалб этиш, уларнинг ишини мувофиқлаштириш; Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, шунингдек жалб этилган хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириладиган иқтисодиёт базавий тармоқларининг стратегик муҳим корхоналарини қуриш ва модернизациялаш бўйича тақдим этилган инвестиция лойиҳалари ва техник-иқтисодий асосланишини экспертизадан ўтказиш ҳамда уларни танлаб олишда қатнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишдан бошлаб то уларни амалга оширгунга қадар мониторинг қилиш ва техник жиҳатдан таъминлаш.

4.Қуйидагилар белгилансин: «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига ҳисобот берадиган мустақил ташкилот ҳисобланади; лойиҳани ишлаб чиқиш учун ҳам, уни тўла ниҳоясига етказгунгача техник таъминотнинг ташкил этилиши учун ҳам масъул бўлган лойиҳа бош муҳандислари (ЛБМ) томонидан раҳбарлик қилинадиган тармоқ бюролари «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институтининг асосий таркибий бўлинмалари ҳисобланади;

ЛБМлар бюросини юқори малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш институтнинг истиқболдаги ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

ишлаб чиқилган инвестиция лойиҳалари «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти Илмий-техника кенгашининг ижобий хулосасидан кейингина белгиланган тартибда вакил қилинган органларга экспертизадан ўтказиш учун киритилади;

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти Илмий-техника кенгаши аъзоларининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Даваархитектқурилиш» қўмитаси, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти, шунингдек бошқа лойиҳа институтларининг етакчи мутахассисларидан тузилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳайъати томонидан тасдиқланади.

5.Қуйидагилар: ходимлар умумий чекланган сони 153 нафар, шу жумладан ишлаб чиқариш-бошқарув ходимлари сони 115 нафардан иборат бўлган «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти тузилмаси 1-иловага мувофиқ; Лойиҳа бош муҳандиси бюросининг намунавий тузилмаси 2- иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти директори лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирининг ўринбосари ҳисобланади.

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти директорига иқтисодиёт вазири билан келишилган ҳолда, тасдиқланган лавозимлар сони доирасида, институт таркибига зарур ҳолларда ўзгартишлар киритиш ва ходимлар сонини унинг таркибий бўлинмалари ўртасида қайта тақсимлаш ҳуқуқи берилсин.

Институт ходимлари таркибини шакллантириш аниқ лойиҳа топшириқлари олинишига қараб амалга оширилсин.

6.Қуйидагилар «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институтини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин: инвестиция лойиҳалари буюртмачиларининг шартнома асосида ТИАни ишлаб чиқишга ажратилган маблағлари, лойиҳа-қидирув ва лойиҳа ишларини бажариш, лойиҳалар амалга оширилишини техник жиҳатдан таъминлаш;

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институтининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда шахсий фаолияти натижасида олинган даромадлари;

халқаро молия институтлари ва донор ташкилотларининг грантлари;

етишмаётган қисмида - давлат бюджети маблағлари.

7. «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти 2010 йилнинг 1 январигача барча солиқ турларидан, йиғимлар, божлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан озод қилинсин, божхона расмийлаштируви учун йиғимлар ва ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно.

8.Қуйидагилар белгилансин:

«Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти ходимларига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлаш, моддий ёрдам ва тиббий хизмат кўрсатиш шартлари татбиқ этилади; «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти ходимларига институт директорининг буйруғи билан устав фаолиятидан олинган даромадлар ҳамда ажратилган мақсадли бюджет маблағлари доирасида иш ҳақига ойлик устама ҳақ белгиланиши мумкин.

9.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти фаолиятини ташкил этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

10.Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 13 июнь.

Маҳалланг—ота-онанг

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛМОҚ КЕРАК





Донишмандан сўрашибди:

— Сиз учун энг улуғ ва мўътабар нарса нима?

— Ватаним, маҳаллам ва уйим, —деган жавобни берибди у.

— Сабаб?

— Сабаби, шу тупроқ, шу замин мен туғилиб ўсган, киндик қоним тўкилган жой. Шу ернинг тузини тотиб, сувини ичиб, ҳавосидан нафас олиб, улғайиб, камол топдим. Шунинг учун у менга мени дунёга келтириб, тарбиялаб катта қилган онам каби муқаддас. Онани Ватанга, Ватанни онага, маҳаллани Ватан ичра Ватанга, яшаб турган уйингни энг севимли масканга таққос ва қиёс этилишининг боиси ҳам ана шунда.

Суҳбатдошлар донишманднинг сўзига тан беришибди ва унинг ҳақлигига астойдил ишонишибди. Зеро, ҳақиқий, соф виждонли киши ўзидан оиласини, оиладан маҳаллани, маҳалладан Ватанни устун қўймоғи керак ва шарт. Бугун ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлган маҳаллаларда якунига етаётган сайловлар даврида бу сиёсий жараёнга ҳар биримиз яна бир бор Ватан, маҳалла, уйимиз туйғусини дилдан ва қалбдан ҳис қилган ҳолда ёндашаётганимизнинг боиси ҳам шунда. Шу туфайли сараларнинг ичидан энг сараси бўлган инсонлар маҳалла оқсоқоли этиб сайланмоқда. Бугунги кунда ҳар бир инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда аҳилликни мустаҳкамлашда, ўзини-ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли кундан-кунга ошиб бораётганлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Шу ўринда беихтиёр Юртбошимизнинг маҳалла хусусидаги ушбу сўзлари ёдга тушади. «Аввало шуни айтиш керакки, «обод» деган сўз, «обод маҳалла» деган ибора замирида теран маъно бор. Обод деганда халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга айнан тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қут-барака ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур қилади».

Айниқса бугунги ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар жараёнида бу сўзларнинг таъсир кучи ва аҳамияти ўзини яна бир бор намоён этмоқда. Пойтахтимиздаги мавжуд 474 та маҳалланинг деярли барчасида бўлиб ўтган сайловларга мана шу нуқтаи назардан ёндашилганлиги фикримизнинг далили.

Сайловларга кўмаклашувчи шаҳар комиссияси маълумотларига кўра, маҳалла аҳолисининг ҳоҳиши ва иродаси ила 132 маҳаллага янги оқсоқоллар сайланди. Қолганларига кўпчилик ишончини қозонган ўз фаолияти давомида барчага ибрат бўладиган ишларни амалга ошириб амалдаги оқсоқолларнинг ўзлари қайта сайланишди.

Бугунги оқсоқол қандай бўлиши керак? У қандай талабларга жавоб бериши керак? Бугун мана шу саволлар кўпчиликнинг фикри-зикрини банд этаётганлиги туфайли биз ҳам баъзи бир ҳамюртларимизга худди шундай саволлар билан мурожаат қилдик. Мана уларнинг жавоблари:

— Оқсоқол ҳалол, билимдон, фидойи инсон бўлиши керак.

— Ўзини ўзи бошқариш органлари олдига жамиятимиз томонидан қўйилаётган барча талабларга жавоб бера оладиган даражада етук бўлиши лозим.

—У бугунги куннинг одами сифатида ўзининг кундалик ҳаёти билан бошқаларга ўрнак бўла олсин.

— Оқсоқол одобда, маданиятда, юриш-туришда, кийинишда, муомалада барчага ўрнак бўлсин. Унинг ҳар жойда ўрни билиниб турсин.

—Маҳалладошлар бирор ишни оқсоқолнинг қаттиққўллигидан ҳадиксираб бажармасин, балки унинг самимийлиги, ширинсуханлиги учун бажарадиган бўлсин.

— Менимча, оқсоқолликка изланувчан, тадбиркор, қатъиятли одамларни кўпроқ кўтариш мақсадга мувофиқ бўлади.

— Албатта, биргина оқсоқолнинг ўзи маҳаллани тўла бошқара олмайди. Халқимизда «Ёлғиз отнинг чанги чиқса-да, донғи чиқмайди», деган гап бежиз айтилмайди. Шундай экан, у ўз атрофига тиниб-тинчимас, ҳалол ва пок одамларни тўплаши керак.

— Оқсоқол давлат ва маҳалла манфаатини ҳимоя қила оладиган ва бошқаларни ҳам шунга сафарбар эта оладиган бўлсин. У соҳта, баландпарвоз мақсадларни эмас, балки аниқ амалий вазифаларни кўзлаб иш юритиши ва уларни рўёбга чиқариш учун астойдил бел боғлаши керак.

—Маҳаллани ўз атрофида жипслаштира оладиган хусусиятга эга бўлган кишигина маҳалла юкини кўтара олади.

Бизда ибратли маҳаллалар жуда кўп. Улар қаторига Аҳмаджон Назаров, Ғуломмаҳмуд Абдуллаев, Чоштепа, Дўстлик, Ҳувайдо, Ойдин Собирова, 2-Чарх—Камолон, Ҳабибий, Чиғатой Оқтепаси каби маҳалларни киритиш мумкин. Бу саноқни истаганча давом эттириш ҳам мумкин. Сайловлар ҳақида гап борганда сўзни Бектемир ва Сергели туманиларидан бошламоқчимиз. Албатта, бу туманларда ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов жараёнлари ўзига хос тарзда ўтди. Айниқса, Бектимир туманидаги «Мажнунтол» маҳалласида бўлиб ўтган йиғилиш кўпчиликнинг диққат-эътиборини тортди. Маълумки, бу маҳалла якка тартибдаги хонадонлардан иборат. Шу боис ўтган йиллар давомида маҳалла оқсоқоли Маҳмуд Юсуфжонов хонадонларни газлаштириш, бу ерга электр қувватини ўтказиш ишларига алоҳида эътибор берди. Ҳашар йўли билан маҳаллани обод қилиш фикри-зикри билан яшади. Кўчаларни асфальтлаш, хонадонларга телефон тушириш ишлари ҳам унинг диққатидан четда қолмади. Шу боис ҳам маҳалла аҳли оқсоқолликка якдиллик билан унинг ўзини қайта сайлади.

— Кўпчилик олдида сўз бериш осон. Лекин бажариш қийин, — деди у маҳалла аҳли ишончига миннатдорчилик билдириб. — Мени ёлғизлатмай қўллаб-қувватлаб турсанглар барча истакларингизни амалга оширишга ҳаракат қиламан.

Шунингдек, Сергели туманидаги «Ёркин ҳаёт» маҳалласида бўлиб ўтган сайлов ҳам эътиборга молик. Сайлов жараёнининг очиқ, ошкора ва қонун устуворлиги тамойиллари асосида ташкил этилганлиги, фуқароларнинг кенг сиёсий фаоллиги ҳамда сайловларда ўз фикрини очиқ ифода этишлари тадбирнинг демократик тарзда ўтказилишига хизмат қилди. Пировардида халқ ишончини қозонган Ҳасан Умаров номзоди кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланиб, у маҳалла оқсоқоли вазифасига сайланди. Оқсоқолнинг маслаҳатчилари ҳам ана шундай очиқ овоз бериш йўли билан сайлаб олинди.

Тан олиш керак, бугунги оқсоқолнинг олдингисидан фарқи бор. Зеро, у якка-ёлғиз эмас. Унинг ёнида ҳар ишга қодир бўлган фаоллари, ўринбосари, посбон, сардори, тарбиячи, ҳисобчиси бор. Бир сўз билан айтганда, маҳаллада тизим шаклланган. Ишлаш учун барча шарт-шароит етарли, фақат бу тизимни ишлата билиш керак, холос.

Яна ҳаётий мисолларга қайтамиз. Юнусобод маҳалласига қанча-қанча фахрийлар бошчилик қилишмади дейсиз. Очиғи, эл-улус ичида баобрў бўлган бу отахонлар қўлларидан келганча — баҳоли қудрат маҳаллани бошқаришга ҳаракат қилишди. Лекин кексаликлари туфайли маҳаллада тилга тушадиган ибратли ишларни амалга ошириш улар учун қийин кечди. Ҳатто маҳалла идораси учун бир бино қуришга ҳам қурбилари келмади, борига қаноат қилишди. Йиллар ўтиб маҳаллага ташаббускор, ғайратли инсон бошчилик қилдию маҳалла қиёфаси тубдан ўзгарди. Бугун маҳалла шундай бир намунали гузарга эгаки, кўрган киши қисқа муддат ичида бундай кўркам кошонанинг бунёд этилганига ишонгиси келмайди.

Мана яна бир характерли мисол. Авваллари ўзини-ўзи бошқариш органларига бўлган сайловларда «Ўзбекистон Мустақиллиги» маҳалласида бўлишимизга тўғри келди. Йиғилиш ниҳоясида ҳамма бир овоздан маҳалла оқсоқоли «Эл-юрт ҳурмати» орденининг соҳиби Эгамназар Қодировни оқсоқолликка қайта сайлашни бир овоздан якдиллик билан маъқуллади. Турли миллат вакилларидан ташкил топган кўп қаватли уйлар орасида маҳалла барпо этишга бош-қош бўлган ва йиллар давомида шу жойни обод қилиб, уч гектар майдонда боғ яратган, маҳалла марказини бунёд этиш учун фидойилик қилган ва саъй-ҳаракатлари орқали биров кўрса ҳавас қиладиган марказни тиклаган бу инсон вақти-соати келиб қариликни бўйнига олди. Маҳаллани бошқаришни ўзи танлаб юрган, билимли, иқтидорли, серғайрат ёшларга топширишни лозим кўрди. Ўшанда биз Эгамназар акадан нега бундай қилганини сўраганимизда у:

— Ёшларга ўрин бериш керак. Уларнинг биз кексалардан кўра маҳаллага фойдаси кўпроқ тегишини ўйлашимиз керак. Оқсоқоллик ҳеч кимнинг маҳрига тушмаган. Фақат унга фидойи, ишбилармон, серғайрат инсонгина бошчилик қила олади. Ана шундагина маҳалла янада обод бўлади, деган гапни айтган эди.

Ўзига ўзи танқидий муносабатда бўлиш, бажараётган ишини ўзгаларники билан чамалаб кўриш, ўз фаолиятидан қониқмаслик ҳам ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Бунинг учун инсон тафаккурида адолат деган мезон, виждон деган олий ҳакам туйғуси мавжланиб туриши керак. Мана шу икки нарсанинг этагидан тутган киши ҳамиша ҳақ йўлдан адашмайди. Ўзибўларчилик, манманлик, ҳаммадан ўзини устун қўйиш натижаси пушаймонлик билан тугайди. Бугунги одамлар ҳаётга тийрак ва зийрак кўз билан қарашга ўрганишган. Ким яхшию, ким ёмонлигини сезиб, ҳис этиб туришади. Баъзида андишачиликка бориб, индамай юришади. Барибир кун келиб кимнинг нимага қодирлиги ойнадек равшан бўлади. Сабаби, ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Бу гапларни бежиз такрорлаётганимиз йўқ. Баъзан ёши бир жойга бориб қолса-да фақат қуруқ сўз билан оғиз тўлдириб юрадиган айрим кимсаларнинг ўзларини оқсоқолликка чоғлаб, бу мартабага эришиш йўлида иложи борича елиб-югуриши кишининг ғашини келтиради.

Оқсоқолни сайлашга сайлаб қўйиб, кейин пушаймон бўлиб юрувчилар ҳам учраб туради орамизда. Шундайларга яна бир бор кўзингизни катта очинг, сайловда фаол қатнашинг. Кимни оқсоқолликка кўтараётганингизни минг чиғириқдан ўтказиб, унинг бу масъул ишни бажаришга иқтидори тўла етишига ишонч ҳосил қилганингиздан кейин овоз беринг, дегимиз келади. Зеро, кейинги пушаймондан фойда йўқ.

Маҳалламизнинг кекса отахони, 96 ёшли Каримбобо Нуралиев шундай дейди:

— Маҳалла — катта даргоҳ. Ундаги тартиб-қоидага риоя қилмай, тўй-ҳашамларни, яхши -ёмон кунларни ўзбилганича ўтказадиган кишилар эл назаридан четда қолади. Зеро, ўзи яшаб турган маҳаллани менсимаслик ўз оиласининг қадрига етмаслик билан баробар. Бу қутлуғ даргоҳни идора қилган одам эса чинакам номига муносиб бўлиши керак. У ҳар қандай ўзибўларчилик, ибру ҳаво, мансабпарастлик, келишувчанлик, ошна-оғайнигарчилик иллатларидан ҳоли бўлиши лозим. Энди ўйламай-нетмай ўз яқин кишисини кўтариш мақсадида фалончи маҳаллага оқсоқол бўлсин, дейдиган вақт ўтди. Ҳисобот-сайлов даврида етти ўлчаб бир кесмоқ, фақат муносибларнигина оқсоқолликка сайламоқ керак.

Отахоннинг сўзидан келиб чиқиб шуни айтмоқчимизки, ҳар бир оқсоқол ўзига юклатилаётган масъулиятни ҳис этган ҳолда нафақат тўй-маъракаларда иштирок этиши, балки маҳалланинг озодалигига, ободончилигига диққатини қаратиши ва бу борада биринчилардан бўлиб ўзи ибрат кўрсатмоғи лозим. Хусусан, шу ўринда кўпдан бери ўйлаб юрган дилимиздаги бир гапни ўртага ташлашни маъқул кўрдик. Бизнингча, ҳар ойнинг бир шанба кунисини маҳалланинг обод қилиш кунига айлантириш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Сабаби, маҳалла озодалиги мавсумий иш эмас. У йил давомида мунтазам гоҳ у кўриниш, гоҳ бу кўринишда давом этадиган иш. Албатта, яхши ният, ярим давлат. Лекин дил тубидаги орзуни амалга оширувчи инсон, яъни сизу биз. Бунинг учун фақат истак, ҳавас бўлса бас.

Халқимиз: «Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деб бежиз айтмаган. Кундалик фаолиятида мана шу нақлга амал қилган ва уни кенг жамоатчилик фикрига сингдира олган оқсоқолгина элда обрў-эътибор топади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

Фуқаролик жамияти сари

ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УЧУН ДАВЛАТ ТИЗИМИНИНГ МАРКАЗИЙ ВА ЮҚОРИ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИНИ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ҚУЙИ ТИЗИМГА, ШУ ЖУМЛАДАН, ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ТУЗИЛМАЛАРИГА ЎТКАЗИШ ТАЛАБ ҚИЛИНАДИ. БУ БОРАДАГИ ТАШКИЛИЙ, ҲУҚУҚИЙ ИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ АЛОҲИДА ВА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА БЎЛИШИ ШУБҲАСИЗ. БУ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ УЧУН ХОС БЎЛГАН ТАДБИРЛАР ЖУМЛАСИГА КИРАДИ.

Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга катта эътибор берилади. Унинг асосий ғояси инсоннинг мақсад, орзу-ниятларини шу жамиятдаги тузилмалар, ижтимоий институтлар, уюшмалар ва бошқа бирлашмалар орқали амалга ошириш ҳисобланади.

Демак, таъкидлаш мумкинки, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатларини кенгайтириб бориш ва жамоат бирлашмалари тизимининг такомиллашуви фуқаролик жамиятининг характерли хусусиятларидан бири бўлиб, тараққиётга хизмат қиладиган фикрлар хилма-хиллиги ва эркинлигига кенг йўл очади, ривожланишнинг янги қирралари, тамойилларини белгилаш имконини яратади. Жамиятни эркинлаштириш тизимида маҳалла алоҳида ўринга эга бўлиб, у фуқаролар билан бевосита иш олиб боришда аҳамиятли ҳисобланади. Ўзбекистон фуқаролари Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланиб, жамиятнинг сиёсий ҳаётида сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари орқали кенг иштирок этишлари мумкин ҳисобланади.

Шу ўринда, Президентимиз нодавлат нотижорат ташкилотларига етарли эътибор берилиши ва улар фаолиятининг тегишли ҳуқуқий асослари яратилиши лозимлигини таъкидлаганларини айтиб ўтиш жоиз. Чунончи, «Нодавлат, жамоат тузилмалари ва уюшмаларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг фаолият кўрсатиш кафолатлари ва шартлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Бизнингча ушбу қонун лойиҳасида нодавлат жамоат тузилмаларини қўллаб-қувватлаш, бу институтларнинг мустақиллигини таъминлаш борасидаги қоидалар ўз аксини топиши лозим. Ушбу Қонун асосида махсус молиявий жамғарма ташкил этиш тўғрисидаги Президентимизнинг таклифи алоҳида аҳамиятли бўлиб ҳисобланишини таъкидламоқ лозим.

Бундай махсус жамғарманинг ташкил этилиши жамият ҳаётида нодавлат нотижорат ташкилотларини, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаб олишда муҳим ўрин тутади.

Бизнинг тасаввуримизча, қонун лойиҳасида жамғарманинг мақоми, унинг тузилмаси, уни бошқариш тартиби, у томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг амал қилиш доираси ва юридик кучи, ушбу жамғарманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда унинг давлат органлари билан муносабатлари каби бир қатор муҳим масалалар ўз аксини топиши лозим.

Шу нуқтаи назардан хорижий мамлакатлар (Буюк Британия, Германия ва ҳ.з)да бу борадаги масалага тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан алоҳида қоидалар ўрнатилганлигини таъкидлаш лозимдир. Масалан, Англияда нодавлат нотижорат ташкилотларига имтиёз бериш, грантлар ажратиш, солиқ масалалари жамоат ташкилотлари билан ишлаш комиссияси томонидан кўриб чиқилди. Комиссиянинг мақоми эса қонунларда белгиланган-гандир.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини янада кучайтириш, уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эркин, очиқ фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаолиятини янада кучайтиришда, хориж тажрибаларини ўрганиш, халқаро ташкилотларнинг тавсиялари ва халқаро ҳужжатлардан файдаланиш ва энг муҳими, тарихий ва маънавий қадриятларимиз, мустақиллик йилларида орттирган тажрибаларимизга асосланиш лозим.

Хулоса сифатида мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ўзига хос янги босқичи бошланди деб айтиш мумкин. Бу борада нодавлат ва жамоат ташкилотлари жамиятда манфаатлар уйғунлигини қарор топтиришда ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни янада таъминлашга хизмат қилади.

Нодирбек ИСКАНДАРОВ,
Тошкент Давлат юридик институти
2-курс магистри

Иқтисодиёт

МУСТАҲКАМ ВА СИФАТЛИ

БУНЁД ЭТИЛАЁТГАН ИНШООТЛАР КЎРКИ ВА МУСТАҲКАМЛИГИДА СИФАТЛИ ҲАМДА РАҚОБАТБАРДОШ ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИНИНГ ЎРНИ АЛОҲИДА.

Шуниси эътиборлики, кейинги йилларда тадбиркорларга яратилган катта имконият боис ҳам бугунги замонавий қурилишларимизга мос ва бозор талаблари асосидаги бунёдкорлик ашёлари ишлаб чиқариш ҳам кенгайди. Айниқса, маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар қурилиш кўламига, иншоотлар мустаҳкамлиги ва чиройига муҳим ҳисса бўляпти.

«SV CO LD» масъулияти чекланган жамиятида оддий қум ва цемент аралашмасидан тайёрланаётган том ёпиш черепицаларининг ўз буюртмачилари бор. Ушбу черепицалар ўзининг чидамлилиги, ўрнатишга қулайлиги, кўркамлиги ҳамда бирмунча арзон нархи билан ажралиб туради.

— Пойтахтимизда замонавий тарзда қурилган кўплаб турар жой биноларида бизнинг маҳсулотимиздан самарали фойдаланилди, — дейди корхона бош муҳандиси Рустам Набиев. — Сифатга алоҳида эътибор қаратган ҳолда маҳсулотларимизни қурилиш ташкилотлари ҳамда аҳолига етказиб берамиз. Буюртмачиларга қулайлик яратиш мақсадида Хоразм, Самарқанд, Марғилон ҳамда Қарши шаҳарларида филиалларимиз фаолиятларини йўлга қўйганмиз.

Шунингдек, тадбиркорларнинг изланишлари яхши самара бериб, улар маҳсулот ишлаб чиқариш баробарида черепицалар тайёрлаш учун кичик дастгоҳ ҳам яратдилар. Ушбу ускунани вилоятлардаги тадбиркорларга таклиф этишмоқда. Уни сотиш баробарида ўрнатиб бериш ҳам кафолатланган.

Шарофат БАҲРОМОВА

Маънавият — ақл кўзгуси

ЎЗБЕК ЭСТРАДАСИ ТАРАҚҚИЁТ ПАЛЛАСИДА

БУГУНГИ КУНДА ЎЗБЕК САНЪАТИНИНГ ДОВРУҒИ БУТУН ЖАҲОНГА ТАРАЛАЁТГАНИ СИР ЭМАС. МАМЛАКАТИМИЗДА САНЪАТГА ИХЛОС ҚЎЙГАН ИСТЕЪДОДЛАР, ХУШОВОЗ ХОНАНДАЛАР САФИ ЙИЛ САЙИН ОРТИБ БОРМОҚДА. УЛАР ЎЗ ҚЎШИҚЛАРИ БИЛАН ХОРИЖ МАМЛАКАТЛАРДАГИ НУФУЗЛИ ФЕСТИВАЛЛАР, ХАЛҚАРО ТАНЛОВЛАРДА ИШТИРОК ЭТИБ, ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ШАЪНИНИ ЮКСАКЛАРГА КЎТАРМОҚДАЛАР. МАНА ШУНДАЙ ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ, УЛАРНИНГ ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТЛАРИНИ ЯНАДА ЁРҚИН НАМОЁН ЭТИШЛАРИДА «ЎЗБЕКНАВО» ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҚДА. ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМДАГИ ИШЛАР, ҚЎЛГА КИРИТИЛАЁТГАН ЮТУҚЛАР ВА КЕЛГУСИ РЕЖАЛАР ХУСУСИДА «ЎЗБЕКНАВО» ЭСТРАДА БИРЛАШМАСИ БОШ ДИРЕКТОР ЎРИНБОСАРИ ЙЎЛДОШ НОРБЎТАЕВ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИК.

— Йўлдош ака, айтиш жоизки, кейинги йилларда мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан Президентимизнинг 2006 йил 3 апрелдаги «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори ҳам фикримизга яққол далилдир. Айтингчи, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бугунги кунда бу борада қандай ютуқларга эришмоқда, унинг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

— «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси 2001 йил Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан қайта ташкил қилинган бўлиб, бирлашманинг бугунги кунда республикамиз вилоятларида, шаҳарларда бўлимлари фаолият олиб бормоқда. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ўз олдига қўйган асосий мақсад ва вазифалари биринчидан, республикамизда фаолият кўрсатаётган хонанда, созандаларга лицензия бериш, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси қошида тузилган ижодий вакиллар гуруҳи кенгаши орқали мана шу хонандаларнинг дастурларини кўриб чиқиб, уларнинг рейтингларини аниқлаш, рухсатномалар бериш ва ижоди, репертуарлари устида ишлаш, бастакорлар, шоирлар билан биргаликда репертуарларини бойитиш, ёш ижрочиларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Шунингдек, турли хил кўрик-танловлар, фестивалларни ҳамда давлат тадбирларини ўтказиш, хонандаларнинг концерт дастурларини назорат қилишдан иборат. «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан Президентимизнинг 2006 йил 3 апрелдаги «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорига асосан кенг кўламдаги тадбирлар ишлаб чиқилган. Шунга асосан барча вилоятларда хонандаларнинг концерт дастурларини ташкил этиш, таниқли хонандаларимизнинг аҳоли орасида ижодий учрашувлари ва кечаларини ўтказиш, бундан ташқари концерт дастурлари репертуаридаги талабларни кучайтириб, концертларнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда мазкур Қарор ижроси бўйича вилоятларда таниқли хонандалар, Ўзбекистон халқ артистлари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар ва «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ҳамда кўриктанлов ғолибларининг концертларини ўтказаяпмиз. Мақсад чекка қишлоқларда,аҳоли орасида, стадион ва маданият саройларида иложи борича кўпроқ халққа манзур бўладиган хонандалар билан ёшлар учрашувларини ташкил қилиб, маънавий-маданий тадбирларни ўтказишдир. Шунингдек, Мустақиллик, Наврўз байрамлари, «Баркамол авлод», «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари,университетларнинг очилиш ва ёпилиш маросимларида ҳамда турли касб байрамларида санъаткорларимиз ўз дастурлари билан қатнашиб, халқимиз қалбига олам-олам завқ-шавқ бағишламоқдалар.

— 2006 йил Президентимиз томонидан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилинди. Бу борада қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан эстрада бирлашмаси томонидан жуда кўп хайрия концертлари ўтказилди. Июль ойининг бошигача қарийб 350 дан ортиқ мана шундай концертларни барча вилоятларда ўтказиш режалаштирилган. Бундан ташқари эстрада бирлашмасининг «Тошкентнаво» шаҳар бўлими ҳам бугунги кунда самарали фаолият олиб бормоқда. Ушбу бўлим айни кунда шаҳримиздаги «NBU» стадиони ҳамда «Туркистон» саройида бўладиган «Битирувчи-2006» тадбирини юқори савияда ўтказиш учун қизғин тайёргарлик олиб бормоқда. Албатта ушбу тадбирда севимли хонандалар, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, эл суйган санъаткорлар иштирок этадилар, болаларнинг спорт ўйинлари намойиш этилади. Айниқса, Ҳомийлар ва шифокорлар йилида Меҳрибонлик уйларида, катта жамоаларда байрам тадбирларида санъаткорларимиз дилрабо куй-қўшиқлари билан иштирок этиб, давраларга файз киритиб келишмоқда.

— Мамлакатимизда кейинги йилларда кўплаб ёш хушовоз хонандалар, истеъдодли санъат ихлосмандлари етишиб чиқмоқда.Улар ўз маҳоратларини чет мамлакатларда ҳам намойиш этиб катта ютуқларни қўлга киритиб, ўзбек санъатини жаҳонга танитиб келишмоқда. Шундай эмасми?..

— Албатта, бугунги кунда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг яна бир йўналиши бу — ижодкор ёшлар билан ишлаш, уларнинг истеъдодларини қўллаб-қувватлаш, кўмак беришдир. Халқимиз орасида айни кунда жуда кўп истеъдодли ёш хонандалар етишиб чиқяпти. Биз ҳар йили «Янги номлар» кўрик-танловини ўтказиб, республикамизнинг барча вилоятларида ёш истеъдодларни аниқлаб, уларнинг алоҳида концерт дастурларини ташкил қилиб келяпмиз. Ўзбек санъатини юксалтиришда албатта таниқли санъаткорларимиз билан бирга ёш истеъдодли хонандалар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Халқаро танлов ва фестивалларда иштирок этиб муносиб ўринларни эгаллашмоқда. Мана яқиндагина хушовоз хонанда Эркин Худойқулов иштирокида санъаткорларимиз Германияда халқаро фестивалда, яна бир гуруҳ санъаткорларимиз Ойпопук Эшонхонова иштирокида Америкада ўз концерт дастурларини муваффақият билан намойиш этиб қайтишди. Шунингдек ёш эстрада хонандаси Оксана Нечитайло бир неча бор Москвадаги халқаро танловда иштирок этиб келмоқда, Диана Зиятдинова эса Болгарияда ўтказилган халқаро эстрада хонандалари кўрик-танловида қатнашиб гран прини қўлга киритиб қайтди. Яна қувонарлиси шундаки, кейинги йилларда санъаткорларимиз орасидан энг истеъдодлилари «Ниҳол» мукофотига ҳамда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонларига сазовор бўлишмоқда.

— Йўлдош ака, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг келгусидаги режалари хусусида ҳам айтиб ўтсангиз...

— Албатта келгусида режаларимиз бисёр. Бу йил «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ташкил топганига 10 йил тўлади. Шу ўн йил давомида эришилган ютуқлар, муаммолар ва келгусида қилинадиган ишларни сархисоб қилиб, йил охиригача бир нечта ижодий учрашувлар, илмий конференциялар ташкил қилинади.«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг 10 йиллигига бағишланган китоб альбом нашрга тайёрланмоқда. Унда ўн йил давомида эстрада бирлашмасининг эришган ютуқлари ўз ифодасини топади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди

Фан

МУШТАРАК ФАНЛАР ТАҲЛИЛИ

ФАЛСАФА ФАНИ КЎПГИНА ИЛМИЙ ЙЎНАЛИШЛАР УЧУН МУШТАРАК ВОСИТА БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА. ЯҚИНДА ЧОП ЭТИЛГАН «ФАНЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ МАСАЛАЛАРИ» ДЕБ НОМЛАНГАН ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАДА АНА ШУ ИЛМИЙ ЖАРАЁНЛАР ТАҲЛИЛИ ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПДИ.

Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон файласуфлар жамияти тавсияси билан нашрга тайёрланган мазкур ўқув адабиёти олий ўқув юртларидаги магистратуранинг давлат таълими андозаси бўйича тузилган дастур асосида яратилди.

Табиий ва ижтимоий фанлар ютуқлари фалсафий томондан таҳлил қилинган бу китоб талаба-ёшлар билимини бойитиб, маънавий камолотини ўстиришга ёрдам беради.

КАФЕДРАЛАР ИЗЛАНИШДА

БУГУНГИ КУНДА СУВ ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЁТИ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ТАРМОҒИДА САЛМОҚЛИ ЎРИН ТУТМОҚДА. ШУ САБАБЛИ ҲАМ УШБУ МУАММО БЎЙИЧА ЙИРИК ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Тошкент И рригация ва мелиорация институти олимларининг шу йўналишдаги изланишлари ҳам яхши самаралар бермоқда. «Экология ва сув ресурсларини бошқариш», «Қишлоқ хўжалиги гидротехникаси», «Сув хўжалиги электротехникаси ва уни автоматлаштириш» кафедраларида амалга оширилаётган тадқиқотлар натижалари деҳқончиликда қўл келмоқда.

«Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш» кафедраси олимлари тавсия этган илмий ишланмаларга ҳам эҳтиёж катта. «Насос станцияларининг сув сарфини ўлчаш», «Насослар кавитация ҳодисаси ва насоснинг чегаравий суриш баландлигини аниқлаш» деб номланган изланишлар асосида тайёрланган маърузалар шу соҳа мутахассисларига энг яхши лекциялар сифатида тақдим этилди.

ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШИ

«ЕР ҲАҚИДАГИ ФАНЛАР» ЙЎНАЛИШЛАРИДА ОЛИЙ МАЛАКАЛИ ИЛМИЙ КАДРЛАР СОНИ ОРТИБ БОРМОҚДА. БУ ЭСА 40 ГА ЯҚИН ИХТИСОСЛИКЛАРНИ ЎЗ ИЧИГА ҚАМРАБ ОЛГАН АНА ШУ ЙИРИК ТАДҚИҚОТ ДОИРАСИДА НОМЗОДЛИК ВА ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ УСТИДА ИЗЛАНИШЛАР ОЛИБ БОРИШНИ ТАҚОЗО ЭТМОҚДА.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси масаланинг муҳимлигини инобатга олиб, «Ер ҳақидаги фанлар» мавзулари бўйича тадқиқотларни янада кенгайтириш тадбирларини белгилади. Комиссия томонидан чоп этилаётган «Бюллетень» нашрида олий аттестация кенгаши эксперт кенгаши томонидан махсус тайёрланган мақоланинг ёритилиши ҳам айни муддао бўлди.

Ушбу тўпламда кейинги йилларда «Ер ҳақидаги фанлар» мавзуларида ҳимоя қилинган диссертациялар рўйхати ҳам ўз баёнини топди.

Ҳамшаҳарларимиз


ЗИЁКОРНИНГ ЗИЁСИ

БОЛАЛИКДА КЎПИНЧА ҚИЗЛАР ҚЎҒИРЧОҚ, ТУРЛИ ИДИШЛАР ЎЙНАШАДИ, ТАТЬЯНА БЎЛСА ҚЎЛИДА ДОИМ КИТОБ УШЛАРДИ. ҲАЛИ ЎҚИШНИ БИЛМАСА-ДА, СУРАТЛАРИНИ ТОМОША ҚИЛАР, ЖУДА БЎЛМАГАНДА ЭҲТИЁТЛИК ВА МЕҲР БИЛАН БИР-БИР ВАРАҚЛАБ ЧИҚАРДИ. МАКТАБГА БОРИШ ОЛДИДАН У ОЗМИ-КЎПМИ САВОДИНИ ЧИҚАРИБ ОЛДИ. ЎҚИТУВЧИЛАР ҲАММАДАН ЭНГ ЯХШИ КЎРГАН НАРСАНИ СЎРАГАНДА У ДОИМО «КИТОБ» ДЕБ ЖАВОБ БЕРАРДИ.



Мактабни тугатгач у ҳеч иккиланмасдан маданият техникумига ўқишга кирди. Болаликдан дилида китобга, зиёга уйғонган ҳавас техникумда ўқиш жараёнида чинакамига меҳр ва иштиёқ билан уйғунлашди. Нафақат уйғунлашди, балки фахр ва ифтихор туйғусини уйғотди. У ўқишни имтиёзли диплом билан тугаллади.

У касбини янада мукаммал ва тўлиқ ўрганишдек эзгу ният билан Абдулла Қодирий номидаги маданият институтининг сиртқи бўлимига кирди. Худди шу пайтларда у политехникум кутубхонасида меҳнат қиларди. Талабаларга зиё тарқатиб



қалби олам-олам қувончга тўларди. Кейинчалик Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги 1-клиник шифохонаси кутубхонасида мудирлик қилди. Татьяна китоб оламини бамисоли конга ўхшатарди. Қанча кўп ўқисанг, шунча бойлик орттирасан киши. У фаолият кўрсатаётган жамоада қарийб икки минг киши меҳнат қиларди. Ширин муомаласи, ишга бўлган меҳри туфайли уларнинг ҳурматини қозонди. Жамоа Татьянани касаба уюшма қўмитаси раиси этиб сайлади. Икки йўналиш — кутубхона ва жамоатчилик ишини бошқариб, ўзида ташкилотчилик ва раҳбарлик фазилатларини тарбияларди.

1994 йили Мирзо Улуғбек туманидаги марказлаштирилган кутубхона тизими директори ўринбосари лавозимига таклиф қилишди. Татьяна Сергеевна ушбу вазифа қанчалик масъулиятли эканини яхши биларди. Шу боис дастлаб иккиланди. Аммо иродаси, билими, ички туйғу мадад бўлди чоғи, кўнди.

Интилганга толе ёр, дейдилар. Татьяна ўз касбини тўлиқ ўрганиш йўлида чарчамади. Ўқиди, изланди. Кутубхона ишининг киши билмас «сир»-ларини поғонама-поғона ўрганди. Бу борадаги ҳуқуви, маҳоратлари маърифат ходимлари тилига тушди. Улар орасида ҳурмат, эътибор топди. Шу боис 1995 йили директор ўринбосари вазифасидан директорлик лавозимига кўтарилди.

Касбнинг катта-кичиги бўлмаганидек, ишнинг ҳам яхши-ёмони йўқ. Гап ўша ишни қанчалик уддалай олишда. Т.Алимходжаева касбини сидқидилдан яхши кўради, ишни тўғри ташкил қилиш қобилияти йиллар давомида сайқал топган. Шундан бўлса керак туманда 30051 китобхон мавжуд, китоб фонди эса 269656 рақамдан иборат.

Оз фурсат ичида у директорга хос бўлган хислатларини намоён эта олди. Тумандаги барча кутубхоналарни талаб даражасига келтириш лозим эди. Бунинг учун турли ташкилот, маҳалла ва муассасалар билан алоқа ўрнатди, кейин улар билан шартнома тузди. Шу йўсинда маблағ топиб, жойига, ўринли сарфлади.

Унинг ташаббуси билан Тошкентдаги Гёте институти билан шартнома тузилди. Шартномага асосан Л.Толстой номли марказлаштирилган кутубхона қошида замонавий ўқиш зали ташкил қилинди. Бунинг учун Германиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси етарли маблағ ажратди. Ўқиш зали янги, қулай жиҳозлар, 4 мингдан ортиқ немис тилидаги китоб ва тасмалар билан жиҳозланди.

Татьяна Сергеевнадаги ташаббускорлик, ташкилотчилик, зиё ва маърифатга бўлган ихлосни ваколатхона ходимлари тез пайқашди. Уни Москва ва Донецк шаҳарларида ўтказилган конференцияларда иштироки учун имкон яратиб, маблағ ажратишди. Ушбу анжуманларда шарқий Европа ва Ўрта Осиё минтақаларида ўқиш заллари фаолияти стандартлари ишлаб чиқилди.

—Маънавият, маърифат ва зиё бобида жаҳон миқёсида ўтказилган ҳар икки муҳим тадбирда республикамиздан биргина менинг иштирок этишим зиммамга катта масъулият юклаши аниқ, — дейди фидойи зиёкор. — Шу билан бирга танлаган касбимга нисбатан фахр ва ифтихор туйғусини уйғотади.

Ушбу сўзлар унинг касби туфайли катта ҳурмат ва эътибор топганидан бахтиёрлигини кўрсатади. Татьяна сафар чоғида ҳам вақтни бой бермади. Россия чет эл маркази билан алоқа ўрнатиб, фаол иш юритишга киришди. Унинг ҳаракатлари эвазига марказ тумандаги кутубхоналарга 1000 нусхадаги янги нашрларни тақдим этди. Зиёкорлик, кутубхоначилик фаолияти соҳасида халқаро алоқаларнинг нисбатан кенгайтирилишига эришилганидек кувончли ҳодисада Татьяна Сергеевнанинг хизматлари катталигини кўпчилик тан олмоқда.

Раҳбар зиёкор ташкилотчилиги боис тумандаги барча кутубхоналарда тарғибот ишлари яхши йўлга қўйилган. Айниқса, Президент асарлари, Фармонлари, давлатимиз томонидан қабул қилинаётган қонунлар библиографик асосда китобхонларга етказилади. Турли хил тадбирлар, учрашув ва кечалар, давра суҳбатлари, кўрик-танлов ва бошқалар китобхонларни кўпроқ жалб этиш, фаоллигини оширишда қўл келмоқда. 2004 йили «Энг яхши китобхон» танловида жамоа юксак мукофот — Гран при совриндори бўлди.

2006 йил — Президентимиз ташаббуси билан Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб аталди. Бошқа соҳалардаги каби кутубхона фаолиятида ҳам ушбу йўналишда иш олиб борилмоқда. Китобхонларнинг кам таъминланган оила фарзандлари ва ногирон болалар билан ўзвий алоқаларини кенгайтириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилди. Тарбияси қийин ўсмирлар ҳам эътибордан четда қолмади. Тизимдаги кутубхоналар ҳозирда йигирмадан ортиқ тарбияси қийин болаларга оталиқ қилишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, туман кутубхона тизими жамоалари ўзларининг фидойи зиёкорлари Татьяна Алимходжаева билан фахрланишга ҳақлидирлар.

Муқаддас АБДУСАМАТОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек туманидаги марказлаштирилган кутубхона тизими фаолиятидан лавҳалар.

Тиббиёт

ШИФОБАХШ ДАМЛАМАЛАР

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗДА ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАРДАН ТУРЛИ ХАСТАЛИКЛАРГА МАЛҲАМ БЎЛАДИГАН ДОРИ-ДАРМОНЛАР ЯРАТИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ «БОТАНИКА» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ ОЛИМЛАРИНИНГ БУ БОРАДАГИ ИЗЛАНИШЛАРИ ҲАМ САМАРАЛИ БЎЛМОҚДА.

Марказнинг эфир мойли доривор ва бўёқли ўсимликлар лабораторияси шароитида юзага келган янги препаратларга ҳам талаб ортиб бормоқда.

Мана бир неча йилдирки, бу лабораторияга таниқли ботаник олим Қаҳҳор Ҳожиматов бошчилик қилмоқда. Унинг раҳбарлигида тайёрланган дори-дармонлар ўзининг шифобахш хусусияти билан ажралиб туради. Шулардан бири «Сафро ҳайдовчи Ҳожиматов йиғмаси» деб номланади. У сариқ (гепатит) ва жигар циррозини даволашда катта наф келтиради. «Қаҳҳорин» препарати эса қанд хасталигини даволашда ижобий натижа бераётир.

Бундан ташқари шифобахш фиточойлар намуналари ҳам тайёрланди. «Ошқозон чойи», «Яхши кайфият» каби дамламалар ҳам ўзига кенг йўл топди.

ҲАМКОРЛИК ҚЎЛ КЕЛДИ

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ФАРМАКОЛОГИЯ САНОАТИДА БИР НЕЧТА ЯНГИ ДОРИ-ДАРМОНЛАР СИНАБ КЎРИЛИБ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ. БУНДА ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ БИЛАН ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ЗАВОДИНИНГ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ ҲАМ ҚЎЛ КЕЛДИ.

Олий ўқув юрти негизида яратилган навбатдаги препарат «Глипил» деб номланди. Қандли диабетни даволашда ижобий натижа берадиган бундай дори фармакологияда ўзига хос муҳим янгилик деб топилди. Инсулинга боғлиқ бўлмаган қанд хасталигига малҳам бўлган мазкур препарат саноат асосида қўллаб ишлаб чиқарилмоқда.

Институт олимлари «Самитол» фирмаси билан биргаликда «Матхин» деган янги дорини ҳам даволашда қўллашга тавсия этдилар. Пилла қуртининг сўлаги воситасида тайёрланаётган ушбу препарат қанд касаллигининг муолажасида кенг қўлланилмоқда.

МЎЪТАБАР ДАРГОҲГА БАҒИШЛАНГАН ФИЛЬМ

БУ ИЛМИЙ -ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ МАМЛАКАТИМИЗДА ТАШКИЛ ТОПГАН ДАСТЛАБКИ ЙИРИК ТИББИЙ МАРКАЗЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Чиндан ҳам Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибида фаолият кўрсатаётган республика гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти диёримизда инсон саломатлигини мустаҳкамлашда салмоқли ўрин тутади.

Мазкур институт иш бошлаганига 65 йил тўлди. Ўтган давр ичида унинг моддий- техник негизи янада мустаҳкамланиб, хизмат кўрсатиш доираси янада кенгайди.

Бугунги кунда марказ жойларда бир неча қон қуйиш станцияларига эга. Республикамизда донорлик хизматини кенг йўлга қўйишга қаратилган тадбирлар ҳам самарали бўлмоқда. Шу сана муносабати билан суратга олинган «Инсон яшамоғи керак» деган фильмнинг тақдимоти бўлди. Республика илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси томонидан яратилган мазкур экран асари жойларда намойиш қилина бошланди.

Акбар АЛИЕВ

БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2006 ЙИЛ 3 АПРЕЛДАГИ «АҲОЛИ ЎРТАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИНИНГ ТАЪСИРЧАНЛИГИ ВА САМАРАСИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ, ШУНИНГДЕК МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, УРФ-ОДАТЛАРИМИЗ, ХАЛҚ ИЖОДИЙ КУЙ-ҚЎШИҚЛАРИНИ ЁШЛАРНИНГ ОНГИГА СИНГДИРИШ МАҚСАДИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР БОШҚАРМАСИ ТИЗИМИДАГИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ҲАМДА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА БИР ҚАТОР ИБРАТЛИ ТАДБИРЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.



Жойларда шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар, бастакорлар билан ижодий учрашувлар ўтказиб келинмоқда. Бундай учрашувлар албатта ёшларда катта таассурот қолдирмоқда. Ёш санъат ихлосмандлари турли танлов ва фестивалларда халқимизнинг ижодий дурдоналаридан ҳисобланган фольклор қўшиқларини қунт билан ўрганиб, ўнлаб қўшиқлар, лапарлар ва рақсларни ижро этиб муносиб ўринларни эгалламоқдалар. Жумладан, яқинда шаҳар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази ва Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан «Барҳаёт анъаналар» деб номланган фольклор фестивали ўтказилди. Фестиваль иштирокчилари даставвал коллеж ва лицейларда ўтказилган танловларда қатнашдилар. Фестивалнинг иккинчи шаҳар босқичи Тошкент педагогика коллежида ўтказилди. Тадбирни шаҳар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасининг бошлиғи Шавкат Жавлонов кириш сўзи билан очиб иштирокчиларни самимий қутлаб, уларга омадлар тилади. Шундан сўнг карнай-сурнай садолари остида коллежларнинг маҳоратли ёшлари дилрабо куй-қўшиқлар, лапарлар, жозибали рақслар ижро этиб ўз истеъдодларини намойиш этдилар. Ҳайъат аъзолари ёшларнинг санъатга бўлган иқтидорларини муносиб баҳолаб бордилар. Танлов якунида ғолиблар аниқланди. 1-педагогика коллежи бадиий жамоаси биринчи ўрин, Тошкент педагогика коллежи бадиий жамоаси иккинчи ўрин, маданият коллежи бадиий жамоаси учинчи ўринга сазовор бўлдилар. Шунингдек, танловда фахрли ўринларга Ҳамза мусиқа коллежи, Сергели тиббиёт коллежи, Юнус Ражабий номидаги педагогика коллежи, 2-юридик коллежи бадиий жамоалари муносиб топилдилар. Ушбу танлов ниҳоятда юқори савияда мазмунли ўтганлиги билан йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Ғолиб жамоалар танлов низомига мувофиқ фестивалнинг республика босқичида иштирок этдилар.

Гулором ҲАМИДОВА

СУРАТДА: «Барҳаёт анъаналар» фестиваль танловидан лавҳа.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.

Мулоҳаза

КИТОБ ЎҚИШНИ УНУТМАНГ

БИЛАМИЗКИ, БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДА ИЛМ-ФАН РИВОЖИ УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА. ИНТЕРНЕТ ТИЗИМИ ВА УМУМАН, АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁШЛАРИМИЗНИНГ САМАРАЛИ БИЛИМ ОЛИШЛАРИДА БЕНАЗИР ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА.

Масалан, мамлакатимизда компьютер дастурларини тайёрлашда «Ўзбегим дастурлари» электрон нашриёти муҳим ўрин эгалламоқда. Бу ерда қисқа даврда ўзбек-рус-инглиз тилларида атама ва иборалар луғатлари, бир қанча бошқа зарурий маълумотлар тайёрланди. Кўп жойларда дарсликларнинг электрон вариантлари, ҳатто электрон газеталар пайдо бўлмоқда.

Интернет тизими, шунингдек телевидение лозим бўлган ахборотларни етказиб беришга қодир. Бу, табиийки, катта қулайлик. Шу билан бирга, фикримча, киши дунёқарашининг кенг бўлишида китобнинг ўрни ўзгача. Китоб киши тафаккурига кенгроқ таъсир қилади, инсонни ўйлашга, мулоҳаза қилишга, воқеаларни теран идрок этишга имконият яратади. Шунинг учун ҳам анъанавий адабиёт ва кутубхоналарнинг муҳимлигини ҳам ёшларимиз ёддан чиқармаслиги лозим, деб ўйлайман.

Абдулла АБДУНАБИЕВ, профессор

Ўз-ўзи ўргатилиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Билгилки, ҳар бир инсон дунёда ўзи танҳо, одамлардан ажралган ҳолда яшай олмайди. У ҳамиша бошқалар билан алоқада бўлади, кўпчилик ичида аралашиб юради.

Демак, киши ҳар куни дўстлик, қариндошлик ёки иш туфайли ўнлаб кишилар билан учрашади, турли мавзулар устида суҳбатлашади. Бу одамларнинг баъзиси элга машҳур кишилар бўлса, баъзилари оддий кишилар бўлади. Баъзилари кекса, баъзилари ёш бўлиши мумкин. Улар ким ва қандай кишилар бўлишидан қатъи назар, ҳар бир инсон ким билан учрашса, одоб-ахлоқ қоидасидан четга чиқмаслиги, бадфеъллик кўчасига кириб, ёмон деган ном орттириб олмаслиги зарур.

Ўзингдан ёши улуғ кишиларни кўрдингми, даҳол ўрнингдан тур, ҳурмат ва таъзим изҳор қил, дилини оғритмайдиган ва нафратини келтирмайдиган муомала йўлини ўйлаб топ! Кимки кексаларни ҳурмат қилса, кексалар ёшига етади. Ўзингдан катталар олдида беҳуда гапираверма, сўрасалар гапир, айниқса улар билан ўзингни тенг тутиб, ҳазиллашишдан тийил!

Кўча-кўйда кексаларни кўриб қолсанг, аввало салом бергач, дарҳол уларга бирор ишдан кўмак бериш ҳақида ўйла. Юки бўлса, кўтаришиб юбор, йўлдан ўтмоқчи бўлса, қўлидан тут. Саволларига мулойимлик билан жавоб бер. Ҳурматсизлик қилиб, ножўя гап айтиб қўйишдан эҳтиёт бўл!

ҲИКМАТЛАР

●Мол ва бойликнинг умри қисқа, тезда завол топади. Аммо яхши ном узоқ асрлар ўлмай яшайди.

●Бир донодон: «Ҳақиқий ака ким?» деб сўрадилар. «Бошингга иш тушганда ёрдам берган киши», деб жавоб берди доно.

●Бутун куч саломатликни сақлашга қаратилиши лозим, чунки саломатлигинг бузилса, ҳаётинг ва маишатинг бузилади; ичишда, ейишда, ухлашда ҳаловат ва роҳат қолмайди.

●Баданингни сенда ҳақлари бўлиб, бу ҳақларни ўз вақтида адо қилишинг лозим. Бу ҳақ шуки, соғлиқни сақлаш қонунларига тўла амал қиласан, озодалик ва покизалик шартларини жойига қўясан. Ўтиришда, юришда, туришда, уйқуда, ейишичишда, кийинишда, яшаш жойи ва ҳаводан фойдаланишда қоидага амал қиласан. Шунда табибга эҳтиёжинг тушмайди, дори-дармон қидириб овора бўлмайсан.

ҚЎШНИ БИЛАН МУОМАЛА ҚИЛИШ ОДОБЛАРИ

Қўшни! У яшаш жойи жиҳатидан сенга энг яқин киши. Сен ўз қўшнинг билан бошқа одамларга нисбатан энг кўп муомалада бўласан, кўп суҳбатлашасан, эрталаб ҳам, кечқурун ҳам уни кўрасан, демак ҳар доим у билан мулоқотда бўласан. Шунинг учун ҳам қўшни қариндошларингдан кейин сен учун яқин кишилардан ҳисобланади. Демак сен қўшнингни ўз акангдек яхши кўришинг, иззат ва ҳурматини адо қилишинг, сўзлашганда лутф-каромат кўрсатишинг, учрашиб қолганда очиқ юзли бўлишинг, мулойим сўзларни айтишинг, ўз меҳру муҳаббатингни ошкор қилишинг керак.

Агар қўшни бемор бўлса, сенда бирор дақиқа вақт бўлдими, дарҳол ундан ҳол сўрашга кириш, ғамли ва шодли айёмларида у билан ҳамдард бўлиш, ҳар қандай хизмати бўлса, имкони борича адо қилишга жон-жаҳдинг билан киришишинг керак. Қўшнинг шодлиги—сенинг шодлигинг, сенинг шодлигинг эса уники бўлиши лозим. Қўшни бошига ҳар қандай оғир кун тушса дарҳол уни даф этишга киришиш сенинг бурчингдир.

Сен ўз оиланг ёки қариндош-уруғларингдан бирор нарса орттиролсанг, у сенга керак бўлмаса, ногоҳ қўшнингга лозим бўлиб қолса, дарҳол унга бер. Аммо бу қилган яхшилигингни ҳеч қачон миннат қилма, бошқа одамларга гапириб юрма ёки эвазига ундан бирор нарса умид қилма, таъма кўзини юм.

Билиб қўйки, қўшничилик ниҳоятда нозик иш. Шунинг учун сен қўшничиликда эҳтиёткорликни қўлдан бой берма! Қўшни ўзининг ҳалол меҳнати туфайли бирор мансабга ёки бойликка эга бўлса, унга ҳасад кўзи билан боқишдан тийил. Ҳар хил беъмани гумонлар ботқоғига ботиб, ўзингни ҳам, ўзгаларни ҳам қийнама. Қўшнининг уйига эса ноўрин ва бевақт бошингни тиқаверма. Хусусан, қўшнингни аҳли аёллари билан эҳтиёт бўлиб муомала қил. Қўшни сен учун энг яқин бўлиб, ака ёки ука ўрнидаки, улар билан муомала қилганингда иложи борича кўнгилларини оғритиб қўймаслик йўлини қидир, чароғон хотирага эса хижолатлик ғуборини қўндирмаки, яхши қўшни учун жонингни фидо қилсанг ҳам оз.

Агар сен бу насиҳатларга амал қилсанг, қўшнинг муҳаббати сенга беҳад ошади, муомаласи кундан-кунга яхшиланади, яқинлиги аввалгидан ҳам афзал бўлади, ҳар бир ишда сенинг ёрдамчингга ва ҳамкорингга айланади. Сени эса ширин тилинг ва чиройли муомаланг туфайли ҳаётинг тинч ва маишатинг барқарор бўлади.

Ҳикоят. Бир одамнинг уйида сичқон кўпайиб кетган эди. Сичқонларнинг зараридан унинг жони томоққа келган, сичқонлар эса гоҳ қопни тешса, гоҳ нонларни кемириб кетарди. Бир куни унинг уйига дўсти келиб қолди. Уй ичида югуришиб юрган сичқонларни кўриб, у киши деди:

Дўстим, сенга бир мушук боқиш зарур экан, у сичқонларни бутунлай қириб ташлайди.

Дўсти бошини чайқади-да:

— Айтганинг тўғри, аммо бундай қилолмайман. Негаки сичқонлар мушукдан қўрқиб, қўшнимникига қочиб киришади, мен ўзимга раво кўрмаган ишни қўшнимга раво кўрган бўлиб қоламан! —деб жавоб берди.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 235-уйда жойлашган Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси биносининг электр симларини таъмирлаш ишларини амалга ошириш ташкилотларига танлов-тендер эълон қилинади.

Таклифлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.

Жамоат ташкилотлари фаолиятидан

ТИНГЛОВЧИЛАРГА СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ, ҲАЁТ ҚИЙИНЧИЛИКЛАРИ ОЛДИДА ЭСАНКИРАБ ҚОЛМАСЛИГИ, МУҚАДДАС ОИЛА ҚЎРҒОНИНИ МУСТАҲКАМ САҚЛАШЛАРИ ЙЎЛИДА ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, УЛАРНИНГ ИЖРОСИ ЙЎЛИДА ИЗЧИЛ ИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Хусусан 2001 йилда Республика Адлия вазирлиги ва шаҳар адлия бошқармасининг буйруғи ва кўрсатмалари асосида ташкил этилган «Оила — муқаддас Ватан» ёш оила қурувчилар мактаби ҳам айнан юқоридаги эзгу мақсадлар йўлида иш олиб бормоқда. Ушбу мактаб Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими, Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар қўмитаси, Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуи каби қатор ташкилотлар ҳамкорлигида фаолият кўрсатади. Мактаб тингловчилари балоғат ёшига етган йигит-қизлар ҳамда оила қуриш учун ФҲДЁ органларига ариза берган ёшлардан иборат. Машғулотлар давомида иштирокчилар билан етакчи ҳуқуқшунослар, руҳшунослар, социолог-олимлар, тиббиёт ходимлари, шариат пешволари ва бошқа соҳага оид мутахассислар Адлия бошқармаси томонидан тасдиқланган махсус йиллик режада белгиланган мавзулар асосида маърузалар, суҳбатлар, амалий машғулотлар, савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар ўтказадилар. Шунингдек, ибратли оилалар вакиллари, ёзувчи, шоирлар, санъат ва маданият арбоблари билан учрашадилар.

Яқинда ёш оила қурувчилар мактаби бешинчи ўқув йилининг якуний машғулоти бўлиб ўтди. Бир йил давомида машғулотларга қатнашиб ўзларини қизиқтирган ҳар бир соҳа бўйича маълум маънода тушунча ва кўникмага эга бўлган талаба-ёшлар олган билимларини қизғин савол-жавоблар билан сарҳисоб қилдилар. Жумладан, тадбирда сўз олган П.Боровский номидаги тиббиёт коллежи талабаси Шоҳруҳ Ражабов, Меҳр-шафқат коллежи талабаси Саидакбар Сайдаҳмедов, 1-Республика тиббиёт коллежи талабаси Юлдуз Икромова, Маданият коллежи талабаси Зебуннисо Жўраева, 2-юридик коллежи талабаси Хуршида Зуфаровалар ўқув машғулотларида берилган тиббий ва ҳуқуқий саводхонлик, маънавий баркамолликни ошириш йўлидаги билимлари учун барча тенгдошлари номидан ўз миннатдорчиликларини изҳор этдилар.

— Мактабимизнинг асосий мақсади — оила қурувчи ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий саводхонлигини оширишдир, — дейди Оила маросимлари маркази директори Марҳамат Йўлдошева. — Хусусан, ёшларга оила муқаддаслиги, миллий урф-одат ва анъаналаримизни кенг тарғиб қилиш, амалдаги қонунлар, Фуқаролик ва Оила кодекслари, оилага оид ҳукумат қарорлари, дастурлари, кўрсатмалари бўйича тушунчалар бериб, бўлажак келин-куёвларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, турмуш қийинчиликларини енгиб ўтишга ўргатиш, соғлом оила барпо этилишида тиббий кўрикнинг аҳамияти, соғлом фарзандларни дунёга келтириш, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш асослари кенг тушунтирилади.

— Президентимиз Ислом Каримов: «... Оила қуриш фақат икки ёш ўртасидаги иш эмас, балки бутун жамият ҳаётига алоқадор масала» деган ибратли гапни айтганларида юз бора ҳақ эканликларини ён-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан кўриб-билиб турибмиз, — дейди суҳбатни давом эттириб Оила маросимлари маркази назоратчиси Мавжудахон Мақсудова. — Шунинг учун ҳам мактабимиз ташкил топгандан бери ёшлар билан кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқдамиз. Машғулотимизда бир маротаба бўлган киши бу ердаги самимийлик, мутахассислар билан қатнашувчилар ўртасидаги ўзаро яқинлик, қизиқарли савол-жавоблар, дилдаги гапларни эшитиб кейинги сафар ҳеч кимнинг назоратисиз ўзи кириб келади. Бугунги кун ёшларининг фикр-мулоҳазаларининг теранлиги, келажакка тийрак нигоҳ билан боқиши Ватанимиз тақдири ишончли қўлларда деган илиқ фикр уйғотади кишида. Биз ҳам ўқув машғулотларимиз орқали озгина бўлса ҳам ёшлар онгида ижобий фикрлар уйғотсак, оила — садоқат, муҳаббат қасри эканлигини етказа олсак кўзлаган мақсадимизга эришамиз деб ўйлаймиз.

Тадбир давомида тингловчиларга сертификатлар топширилиб, ўқув машғулотларида фаол қатнашганлар эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

САЛОМАТЛИГИМИЗ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2006 ЙИЛ 29 МАЙДАГИ ФАРМОЙИШИГА, ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИГА АСОСАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 ИЮНИДАН 1 ИЮЛИГА ҚАДАР РЕСПУБЛИКАМИЗ ҲУДУДИДА «ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ» ЎТКАЗИЛМОҚДА. УШБУ ФАРМОЙИШ АСОСИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЧКИ ИШЛАР БОШ БОШҚАРМАСИНИНГ ИШ РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛИБ, БОШ БОШҚАРМАНИНГ ҲАММА ХИЗМАТЛАРИГА ЎЗ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ.

Хусусан, ЙҲҲБнинг бўлим ва бўлинмалари, ЙПХ бригадаси ходимлари йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, болалар иштирокидаги ЙТҲ олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳридаги барча мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида, автокорхона ва маҳаллаларда учрашув ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Ушбу учрашувларда Тошкент шаҳрида содир этилаётган ЙТҲ тўлиқ таҳлил қилиниб, келиб чиқиш сабаблари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Унинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда амалий ёрдам кўрсатилиб барча мактаб ва мактабгача таълим муассасалари теварак-атрофидаги автотураргоҳлар, йўлларнинг, йўл белгиларининг аҳволи, ётиқ чизиқлар, йўлчироқ объектларининг тўлиқ ҳолати текширилиб, керакли мутасадди ташкилотларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақдимномалар киритилмоқда. Жумладан, махсус монтаж-қурилиш бошқармаси томонидан 7 та йўл белгилари ўрнатилди ҳамда пиёдалар йўлакчалари таъмирланди, пиёдалар ўтиш жойлари ва ётиқ чизиқлар чизилди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси билан ҳамкорликда иш режаси ишлаб чиқилиб, ЙҲҲБ раҳбарияти, бўлим ва бўлинмалар бошлиқлари билан туман маҳаллаларида учрашувлар ўтказилди. Шундай тадбирлар Бектемир туманидаги «Истиқлол», Юнусобод туманидаги Фирдавсий, Сергели туманидаги А.Темур, Шайхонтоҳур туманидаги «Янги Белтепа», Ҳамза туманидаги Мирза Иброҳим, Чилонзор туманидаги «Наврўз», Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон», Учтепа туманидаги «Бекобод», Миробод туманидаги Ойбек, Собир Раҳимов туманидаги «Қорасарой», Яккасарой туманидаги «Конституция» маҳаллаларида ўтказилмоқда.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар ЙҲҲБ бўлим ва бўлинма бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари иштирокида жадвал асосида мактабларда болалар билан учрашувлар ташкил этилди.

Шаҳримиз кўчаларида йўл ҳаракати қоидаларини, ҳаракат хавфсизлигини ҳамда ойликда фаол қатнашишни тарғиб этувчи 32 та реклама паннолари ўрнатилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими билан ЙҲҲБ ҳамкорликда пойтахт фуқаролари, меҳмонлари, мактаб ўқувчилари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолларига 12 мингта мурожаат ва чақириқлар ишлаб чиқиб тарқатишди.

«Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» бошланган кундан бошлаб ҳар куни шаҳримизнинг аҳоли гавжум жойларида, шоҳбекатларда, бозорлар олдида ЙҲҲБ ходимлари, автокорхоналарнинг хавфсизлик муҳандислари ва ҳайдовчилар тайёрловчи ўқув муассасалари тингловчилари ҳамкорлигида ЙТҲларининг олдини олиш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш борасида тарғибот ишларининг олиб борилиши билан бирга 344 та ҳайдовчига маъмурий баённомалар тузилиб, 96 та жамоат транспорти ҳайдовчилари огоҳлантирилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ёзги таътил вақтида мактаблар қошида очилган 32 та ёзги дам олиш масканларида ҳам ўқувчиларнинг ёзги таътиллари даврида улар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, болаларнинг мазмунли дам олишлари учун оромгоҳларда ёш назоратчилар гуруҳлари ташкил этилиб, улар ўртасида турли хил мусобақалар ва викториналар ўтказиш, ғолибларни рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда. Оромгоҳларга боролмаган болалар ўртасида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан маҳалла фаоллари, ота-оналар иштирокида учрашувлар ўтказилиши ҳамда тадбирнинг моҳиятини кенг тушунтириш ташкил этилмоқда.

Бобур МЎМИНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲҲБ Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлинмаси инспектори, капитан

АХБОРОТ

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси хабарига кўра 2006 йил 13 июнь куни Бектемир туманидаги «Газтехномаҳсулот» газ тўлдириш шохобчасида техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаганлиги оқибатида ёнғин содир бўлган.

Ёнғин ўт ўчириш хизмати ходимлари ва қутқарувчилар томонидан зудлик билан бартараф этилди. Ёнғин натижасида жабр кўрган 13 нафар фуқарога биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди ва улар шифохонага ётқизилган.

Ушбу ҳолат бўйича Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан тергов ишлари олиб борилмоқда.



ПОЙТАХТИМИЗНИНГ МАДАНИЙ ҲАЁТИ БУЛОҚ КАБИ ҚАЙНАМОҚДА. ШАҲРИМИЗГА БИРИН-КЕТИН МАШҲУР САНЪАТ АРБОБЛАРИ ТАШРИФ БУЮРИШМОҚДА. БУНГА САБАБ — ХАЛҚИМИЗНИНГ САНЪАТГА ТАШНАЛИГИ, УНИ ЧУҚУР ТУШУНА БИЛИШИ ҲАМДА САНЪАТ ВА САНЪАТКОРЛАРГА БЎЛГАН МУҲАББАТИНИНГ САМИМИЙЛИГИДИР. ЗЕРО, ИЖОД — ҚАЛБ ДАЪВАТИ, ЮРАК ТУҒЁНИНИНГ МАҲСУЛИ. КЎП МИЛЛАТЛИ ЮРТИМИЗ АҲЛИ ТУРЛИ ХАЛҚЛАР САНЪАТИНИ СЕВАДИ ВА АРДОҚЛАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН БЎЛСА КЕРАК КЎПЛАБ ИЖОД АРБОБЛАРИ ПОЙТАХТИМИЗГА ҚАДАМ РАНЖИДА ҚИЛИБ, ЎЗ САНЪАТ НАМУНАЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛАШИШНИ АНЪАНАГА АЙЛАНТИРГАНЛАР.

Ҳамкорлик мевалари

САНЪАТ ГУЛДАСТАСИ

Яқинда Россиядан пойтахтимизга «Дунё халқлари санъати» Халқаро ассоциациясининг президенти, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Николай Корнилов ташриф буюрди.

Н.Корнилов буюк рассом бўлибгина қолмай, балки бир қанча публицистик ва бадиий асарлар ҳамда шеърлар тўпламининг муаллифи ҳамдир. Кўпгина шаҳарларда, шу билан бирга Россиянинг бир қатор шаҳарларида ҳам музейлар ва галерея залларини барпо этган. Азим Тошкентимизда ҳам унинг қўллари билан қурилган, яъни «НИКОР» деб ном олган галерея залига ҳозирда ўзи ташриф буюрмоқда.

«Ўрта Осиё электр тармоқлари» ОАЖ қошида, «НИКОР» галерея залида Н.Корнилов билан мухлислари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Залга йиғилганлар ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб олишди. Қизғин суҳбат сўнгида Корнилов мусиқачи, санъаткор, рассом ва бошқа фаоллар, «НИКОР» учун саъй-ҳаракатини аямаган иштирокчиларга диплом ва Фахрий ёрлиқлар топширди. Чунки уларнинг чизган бебаҳо суратларида табиий қишлоқ ҳаёти-ю табиат манзараларини кўриш мумкин. Айниқса, кишини ўзига жалб қилувчи расмлардан бири бўлмиш, тоғ ён- бағирларидан тоғу-тошларга урилиб, гувиллаб, дарахтлар ва чаманзорлар ичра шошиб оқаётган сувни англаш, уни юракдан ҳис этиш қийин эмасди.

Учрашув фақат шулар билан чегараланиб қолмади. Тадбирнинг илк қисмида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетидан келган педагог Э.Капкаева ва доцент И.Ревес фортепианода дуэт ижро этишди. Улар мафтункор ўзбек ва чет эл халқлари композиторлари ижодига мансуб классик мусиқаларни ижро этдилар.

Концертнинг иккинчи қисмида «Русская гостиная»дан артистлар, Рус маданияти марказидан эса А.Верешагин гитарада романслар, Н.Лазарев ва З.Ибраимовлар эса шеърлар билан дилларни хушнуд этдилар.

Дилафрўз ҚУРБОНОВА

СУРАТДА: Николай Корнилов билан бўлиб ўтган учрашувдан лавҳа.

Футбол

ЮЛДУЗЛАРГА БАС КЕЛИШ ҚИЙИН

АЙНИ КУНЛАРДА ГЕРМАНИЯДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БАҲСЛАРИ ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРМОҚДА.

КЕЧА Лейпциг ва Мюнхен шаҳарлари стадионларида Н гуруҳи терма жамоалари Испания— Украина ҳамда Саудия Арабистони — Тунис учрашувлари билан дастлабки тур якунига етди.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, жаҳон чемпионатига саралаш учрашувларида Туркия, Дания сингари номдор терма жамоаларни ўз гуруҳида мағлуб этиб ҳақли равишда Германия йўлланмасини қўлга киритган Олег Блохин шогирдларидан мутахассислару мухлислар Испанияга қарши кечадиган беллашувда чиройли ўйин кутишгани айни ҳақиқат. Шуниси эътиборлики, кўпчилик Украина терма жамоаси жаҳон чемпионатига етарли даражада тайёргарлик кўрди, деб ўйлаганди. Олег Блохиннинг ўзи ҳам ишонч билан терма жамоасининг совринли ўринлардан бирини эгаллашини кутаётганлигини яширмаганди. Аммо, «майдон текис, тўп юмалоқ» деганларидек, испанияликлар ўзларининг мундиалга қандай ниятда келганликларини исботлаб қўйишди. Дарвоқе, Испания — Украина терма жамоалари баҳсини кузатган ҳар бир мухлис «юлдузларга бас келиш қийин», деб ўйлаган бўлса ажабмас. Сабаби, жаҳонга машҳур «Реал», «Валенсия», «Барселона», «Ливерпуль» сингари клубларда тўп сурадиган Салгано, Касиляс, Алонса, Торес, Гарсия, Раул Гонсалес, Давид Вилля сингари юлдузларни жамлаган Испания терма жамоаси украиналикларга 90 дақиқа мобайнида ҳеч қандай имконият қолдирмади. Тўп билан муомала қилишда, тўпни жамоадошларига аниқ узатишда, рақиб дарвозаси атрофида хавфли вазиятлар содир этишда, чиройли комбинациялар уюштиришда ва ҳатто тезкорлик борасида ҳам испанлар рақибларидан анча устун эканликларини исботлай олишди. Бу ўз самарасини берди. 90 дақиқа мобайнида рақиблар дарвозаси испанлар томонидан тўрт марта аниқ нишонга олинди. Мухлисларга ҳаяжонли дақиқаларни ҳадя этган голларни Украина терма жамоаси дарвозасига Гарсия, Вилля (2 марта) ва Торес йўллашди. Ҳисобни ўзгартириш мақсадида ҳар замонда украиналик чарм тўп усталари томонидан уюштирилган ҳужумлар самарасиз якунланди. Дарвоқе, учрашув бош ҳаками швейцариялик Бусакко томонидан иккинчи бўлимда Украина терма жамоаси томон белгиланган пенальти ҳамда ҳимоячи Владислав Вашукка қизил карточка кўрсатилганлиги ҳам Блохин шогирдлари ўйинига салбий таъсир кўрсатганлигини айтиб ўтиш жоиз. Ўз олдига кейинги босқичга чиқишни мақсад қилиб қўйган Украина терма жамоасига Тунис, Саудия Арабистони билан кечадиган учрашувларда ғалаба қозониш осон кечмаслиги аниқ. Хуллас дастлабки ўйинни 4:0 ҳисобидаги ажойиб ғалаба билан якунлаган испанияликлар муҳим очколарни қўлга киритишди.

Ушбу гуруҳдаги Тунис— Саудия Арабистони терма жамоалари учрашуви ҳам қизиқарли, муросасиз кечди. Унда мухлислар 4 та голнинг гувоҳига айланишди. Тунислик футболчилар Жазирий, Жоидийлар томонидан киритилган иккита голга қитъамиз вакиллари Каҳтоний ва Сами Ал Жабрлар ҳам икки гол билан муносиб жавоб беришди.

Биринчи турдан сўнг ушбу гуруҳда уч очко билан Испания терма жамоаси яққол пешқадам бўлиб олган бўлса, тунислик, саудия арабистонилик чарм тўп усталари биттадан очко жамғариб иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаб туришибди.

Шунингдек, **КЕЧА** жаҳон чемпионати «А» гуруҳи вакиллари Германия — Польша терма жамоалари 2-тур баҳсларини бошлаб беришди. Ушбу беллашув германиялик футболчиларнинг 1:0 ҳисобидаги ғалабаси билан тугади. Майдон эгаларининг олти очко билан жаҳон чемпионатининг нимчорак финалида қатнашишларини таъминлаган ушбу ягона голни учрашувнинг сўнгги дақиқаларида Оливер Нойвил киритди.

(Ўз мухбиримиз)

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 · 6